

Х.И. Туркменов
Х.П. Шермухамедов
Қ.Б. Ташпўлатов

ХОМАКИЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ



Тошкент
2021

Ушбу ўқув қўлланма Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Илмий Кенгашнинг 2019 й 28 ноябр №5–сонли баёнига асосан чоп этишга тавсия этилган

УДК 621.7 (07)

Бу қўлланмада хомакиларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш бўйича умумий масалалар ёритилган. Қуйиш, босим билан ишлаш ва пайвандлаш йўли билан тайёрланадиган хомакиларга қўйиладиган техник талаблар келтирилган. Хомакиларни ишлаб чиқариш усулларини танлашга таъсир қиладиган омиллар очиб берилган. Топширик вариантлари ва уларни ечиш усуллари келтирилган.

Ўқув қўлланма “Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси” ва “Машинасозлик технологияси” фанини ўтадиган барча талабалар учун мўлжалланган.

Илмий Кенгашнинг 28.11.2019 даги 5-сонли баённомасига асосан мақуullanган.

Тақризчилар :

- Н.Халилов - “MET-FUR-SERVIS” МСНД сифат бўйича директори, т.ф.н.
Б.Худоёров - ТИҚХММИ, «Қишлоқ хўжалиги машиналари» кафедраси профессори, т.ф.д.

Туркменов Х.И., Шермухамедов Х.П., Қ.Б.Ташпулатов
/ Хомакиларни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш /
Ўқув қўлланма. – Т.: ТИҚХММИ нашриёти, 2021. – 104-бет.

© ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ (ТИҚХММИ), 2021

Кириш

Республиканинг бозор иқтисодиётига жадал суратлар билан ўтиши қишлоқ ва сув хўжалигига замонавий технологияларни, юқори самарадорли ва кам харажатли техника воситаларни жорий этишини талаб этади. Бу ўз навбатида кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган малакали мутахассислар тайёрлаш ва улардан халқ хўжалигининг турли соҳаларида унумли фойдаланишни талаб этади.

Машина деталларини ишлаб чиқаришда такомиллашган технологик жараёнларни қўллаш уларнинг сифатини яхшилаб, таннархини камайтиради, чунки, хомакиларни олиш ва уларга иссиқ ҳолда ишлов бериш технологик жараёнлари юқори малакани ва кўп меҳнатни талаб қилади.

Мазкур методик қўлланма – талабаларга хомакиларни танлашни, қўйиб тайёрлаш, хомакиларни босим ёрдамида тайёрлаш, хомакиларни қиздириб ҳажмий штамплаш, машиналар ёрдамида болғалаш, пайвандлаш ва пресслашнинг назарий асосларини ва технологик жараёнларини ўргатишдан иборат.

Мазкур методик ишланмада «Материалшунослик ва конструкцион материаллар технологияси» ва «Машинасозлик технологияси» фанларининг лаборатория ишларини бажариш бўйича кўрсатмалар келтирилган. Қўлланмада хомакиларни қўйиб тайёрлаш усуллари, босим ёрдамида тайёрлаш усуллари, қиздириб ҳажмий штамплаш, болғалаш, пайвандлаш ва пресслаш орқали хомакиларни тайёрлаш технологиялари ва бунда ишлатиладиган жихозлар берилган. Ҳар бир иш бўйича ишнинг мақсади, топшириқлар, қисқача назарий маълумотлар, ишни бажариш бўйича кўрсатмалар, ишни бажаришга оид намуналар, вариантлар бўйича хусусий топшириқлар ва назорат саволлари берилган.

Муаллифлар мазкур қўлланма тузилиши ва мазмуни бўйича берилган таклиф ва мулоҳазалар учун миннатдорчилик билдиради.